ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК,

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ПУХТА ҲОЗИРЛАНАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 142 (6003).

22 ИЮЛЬ ЖУМА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.



90 ПРОЦЕНТ ҲОСИЛ МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

ОҚҚЎРҒОН. [Ўз мухбирларимиздан]. К. Маркс номли колхоз аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг 1977 йилги пахта ҳосилини териш ҳамда тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида»ги қарори асосида зарур тадбирларни белгилаб чиқдилар.

Маълумки бу колхозда ўтган йили гектаридан 32 центнердан ҳосил олинган эди. Юбилей йилида пахтакорлар ҳосилдорликни 36,6 центнерга етказишга, 3410 тонналик кирмон кўтаришга аҳд қилганлар. Шу мақсадда культивация, озиқлантириш, суғориш, шербат оқизиш, чеканка қилиш ишлари намунали амалга оширилмоқда. Айрим пайкалларга тушган хашоратга қарши кураш олиб борилмоқда. Хуллас, олинган мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Шу билан бирга йиғим-теримга тайёргарлик ҳам бошлаб юборилган. Колхоз механизаторлари астойдил меҳнат қилиб, мавжуд техника воситаларини тўла ремонтдан чиқариб қўйдилар.

Бу хўжаликда терим даврида техника воситаларидан унумли фойдаланиш, қўл теримини камайтиришга, кложи борича четдан ишчи кучлари жалб этмасликка алоҳида эътибор берилмоқда.

Колхозда 20 та пахта териш машинаси бор. Ҳар бир машинанинг ишлаши учун 46 гектар ер тўғри келади. Колхоз механизаторлари юбилей йилида машинада 150—160 тоннадан пахта териб берамиз, деб ваъда бердилар. Ана шу олижаноб мақсадга эришиш учун мавжуд 20 та пахта, 4 та кўсак, 2 та тўкилган пахтани терадиган ва 7 та кўсак чувийдиган машиналар барвақт ремонтдан чиқариб қўйилган.

Пахта йиғим-теримини тез ва соз, сифатли, ёғингарчиликка қолдирмай ўтказиш учун машина ишини икки сменада ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Колхозда 58 моҳир, тажрибали механизатор бор. Булардан ташқари механизаторлар тайёрлаш курсини ҳотин-қизлардан 8 киши, йигитлардан 4 киши битириб чиқади. Улар мавсумда асосан тажрибали механик-ҳайдовчиларга биркитиб қўйилади.

Колхоз пахтакорлари пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, 3100 тонна, яъни 90 процент ҳосилни «зангори кемалар» ёрдамида териб олиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАСИ

ПОЁНСИЗ далаларда юбилей йилининг мўл ҳосили етилмоқда. Улкан океандек ям-яшил тебраниб ётган меҳригиёмиз, олтин бойлигимиз ҳар кун ҳосил шохларига гулу-гунчалардан, бўлиқ кўсаклардан маржонлар тақмоқда. Азамат, мардонавор, қаҳрамон пахтакорларимизнинг пешона тери, қадоқ қўллари, қалб қўри билан етилаётган «оқ олтин»имиз — эл юртимиз маъмурчилиги, дўстлик ва биродарлигимизнинг ёрқин рамзи сифатида эъзозланмоқда.

Ер йил шонли ва унутилмас Октябрь тантанасининг тарихий 60 йиллиги нишонланадиган йилдир. Шундай тўлқинли, қувончли, биргина сана кишилари учун эмас, прогресив инсоният ва жаҳон меҳнаткашлари учун азиз, муборак ва мунаввар йилда азамат пахтакорларимизнинг, олтин қўл баҳодирларнинг бутун эътибори «оқ олтин»дан улкан хирмон бунёд этишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг 1977 йилги пахта ҳосилини териш ҳамда тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу ғоят муҳим ҳужжатда таъкидланганидек, республика партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари, колхозлари, совхозлари ва корхоналари камида 5 миллион 360 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан юбилей йилида олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасида катта ташкилотчилик иши олиб бормоқдалар. Ҳосилнинг 70 процентгача бўлган қисмини пахта териш техникаси ёрдамида териб олиш вазифаси қўйилмоқда.

Областимиз пахтакорлари республика партия ва ҳукуматининг бу қарорини катта эътибор ва мамнуният билан кутиб олдилар. Мўл ҳосил учун қизғин кураш бораётган шу кунларда бутун эътиборни ғўза парваришини кучайтириш билан бир қаторда, йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўришга қаратишимиз лозим. Йилнинг табиий шўйинчиликларидан оқилона хулоса чиқариб, ҳар бир ишни ақл-идрок билан амалга ошираётган хўжаликларда ғўза парвариши, суғориш, культивация ва йиғим-теримга тайёргарлик намуналн олиб борилмоқда. Қатор ораларини сифатли юмшатиш, ғўзани суғориш, сувни тежаш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши кураш — пахтакорлар олдидаги асосий вазифадир. Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Янгийўл ва бошқа районларнинг колхоз ва совхозларида бу ишлар ўз вақтида, юксак агротехника талаблари даражасида ўтказилмоқда.

Область партия комитети Ўрта Чирчиқ районидаги «Северный маяк» колхози пахтакорларининг ҳосилининг ҳаммасини четдан ёрдамчиларсиз машинада ва ўз кучлари билан йиғиб-териб олиш ҳақидаги ташаббусини маъқуллади. Бундай илғор, прогресив иш усулларини амалга ошириш бошқа хўжаликларда ҳам яхши натижалар бермоқда. Илғор колхозлар ва совхозларнинг, бригада ва бўлимларнинг ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб олиш юзасидан мусобақаларни олиб бораётган ажойиб ишлари пахтачилигимиз тараққиётининг ёрқин уфқларидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қабул қилган қарорда кўпгина район ва хўжаликларда ғўза парваришини ташкил этиш ва ўтказишда ҳамда янги ҳосилни териб олишга ва тайёрлашга ҳозирлик кўришда ҳамон камчиликларга йўл қўйилаётганлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди. Ҳаво жуда иссиқ келяпти. Сув етарли бўлишига қарамай ғўзани суғориш суст олиб борилмоқда.

Областимизнинг баъзи хўжаликларида туплардаги 6—7 кўсакка маҳлиё бўлиб, ғўза парваришини сусайтириб юборган сингари зарарли кайфият юз бермоқда. Улар ўсишдан орқада қолаётган ғўзаларни тезроқ ҳосилга киритиш юзасидан тегишли тадбирларни кўрмаяптилар. Шунингдек пахта териш техникаси ремонти ва уни тайёрлаш суръатлари талабга жавоб бермайди. Кўпчилик хўжаликларда бу масалага жиддий эътибор берилмоқда. Терим агрегатлари алмаштириш фондидан ремонтдан чиқарилиб, навбатдаги текширишдан ўтказилмяпти. Лекин баъзи хўжаликларда машиналарнинг 40—50 процентн шай қилиб қўйилган холос. Дефолиация ўтказиш учун аэродромлар ва ерда ишлатиладиган аппаратларни тайёрлаш, йўллар, кўприклар, хирмонлар, майдонлар ва тош-тарозиларни ремонт қилиш чўзиб юборилмоқда. Район партия, совет ва хўжалик ташкилотлари бу масалаларга жиддий эътибор беришлари керак.

Областимизнинг кўпчилик пахта заводлари, тайёрлов пунктлари юбилей йили ҳосилини қабул қилишга аллақачонлароқ тайёргарлик кўриб қўйганлар. Бу жиҳатдан Пискент пахта тозалаш заводи коллективининг ташаббуси диққатга сазовордир. Улар янги ҳосилни қабул қилиш ва уни тайёрлаш юзасидан амалий тадбирлар белгиладилар. Область партия комитети пискентликлар ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Пойтахт областининг «оқ олтин» миришкорлари бу йил она-Ватанга 430 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, ҳосилнинг 70 процентдан кўпроғини машиналарда териб олиш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Далаларда бу мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етилмоқда. Азамат колхозчилар ва совхоз ишчилари, баҳодир механизаторлар жазирама иссиққа бардош бериб, ҳар бир туп ғўзани қалб меҳри билан эъзозлаб парваришламоқдалар. Ғўза туплариде етилган 7—8 тадан кўсаклар, сонсиз-саноқсиз гул ва тугунчалар деҳқон қалбини чексиз қувонтирмоқда, улкан хирмондан нишона бериб турибди.

Район, партия, совет, хўжалик ташкилотлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорига жавобан ғўза парваришини янада кучайтиришлари, ҳосилга ҳосил қўшиш учун барча тадбирларни кўришлари, юбилей йили ҳосилини қабул қилиб олишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўришлари лозим. Бунинг учун ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир бригада ва бўлим аниқ ва самарали план ва тадбирларга эга бўлишлари керак. Терим машиналари ремонтини текшириб кўришлари, механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга эътибор беришлари, ҳар бир пайкални машина теримига тайёрлашлари ғоят муҳим вазифадир.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган ёрқин нутқи, СССР Конституцияси лойиҳасининг муҳокамаси ва ниҳоят ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ставрополь ўлкаси Ипатово район партия ташкилотининг 1977 йилги ҳосилни йиғиштириб олишдаги тажрибаси ҳақида йўллаган мактуби областимиз меҳнаткашларини янги зафарларга чорлайди. Юбилей йилининг улкан ғалабалар йили, мўл-кўлчилик ва самарадорлик йили бўлиши учун курашиш партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари, областимиз бутун меҳнаткашларининг шарафли, ватанпарварлик бурчидир.

60 ОКТЯБРЬ ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ОҚҚЎРҒОН. Ўтган йили А. Нурматов бошлиқ бригадада ҳар гектар ердан 34,6 центнердан хирмон кўтарилган эди. Деҳқонлар эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, юбилей йилида гектаридан 40 центнердан пахта топширишга ва ҳосилнинг 90 процентини «зангори кемалар» ёрдами билан йиғиштириб олишга сўз беришган. Аҳдига вафодорлар шу кунларда самарали ишлашяпти. А. Саъдуллаев, Қ. Арслонқулов сингари механизаторлар культиваторларга тўсиқлар ўрнатиб ишламоқдалар, шарбат суви оқизилмоқда.

Ҳамид Олимжон номли колхознинг кўпчилик бригадаларида иш ана шундай ташкил этилган.

П. ЭРГАШЕВ

●

Қишлоқ мухбирларидан Т. Нишонов (Юқори Чирчиқ), В. Галимов (Тошкент райони), Т. Қодиров (Оржоникидзе), А. Иброҳимов (Бўстонлиқ), А. Абдулҳақов, Н. Абдурасулов, Р. Йўлдошев (Оҳангарон) ўртоқлар йўллаган мактубларда ҳам дала меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 21 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан бу ён.

Калинин	0,8	86,8
Пискент	0,7	85,9
Бўка	0,1	82,4
Қуйи Чирчиқ	—	81,9
Бекобод	0,6	81,8
Ўрта Чирчиқ	0,2	80,0
Оққўрғон	0,6	79,6
Тошкент	—	79,6
Оҳангарон	0,8	79,4
Оржоникидзе	1,5	77,4
Чиноз	0,2	76,5
Юқори Чирчиқ	0,2	74,5
Янгийўл	1,1	69,8
Бўстонлиқ	0,5	66,2
Область бўйича:	0,5	80,3

Людмила Шокаримова пойтахтдаги «Учқун» тўқимачилик галантерея бирлашмасининг илғор ишчиси. У зиммасидаги шахсий беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олиб меҳнат қилмоқда. Тўқувчи қиз смена топшириқларини ошириб бажариш билан бирга фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

МАШИНАЛАР— МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИМИЗ

Совхозимиз Кўкорол массивининг янги ўзлаштирилган асов ерларига жойлашган. Ҳозирча ҳосилдорлигимиз унчалик юқори эмас. Тўғри, ер бақувват, лекин деҳқончилик маданияти юқори даражага кўтарилмаган.

Ўтган йили ҳар гектардан олинган ҳосил 14 центнердан ошмади. Биз юбилей йилида ҳосилдорликни кескин оширишга бел боғладик. Шунинг учун ҳам асосий диққат-эътибор илгари йўл қўйиб келинган камчиликларни такрорламаслик, бунинг учун эса деҳқончиликка янги прогрессив усулларни дадил жорий этиш, мавжуд ишчи кучлари ҳамда техника воситаларини ҳисобга олган ҳолда тежамкорлик билан иш юритишга қаратилди.

Ўтган йили ҳар гектар ерга экиш пайтида 100 килограммдан уруғ сарф бўлди. Лекин ғўза яганаси чала ўтказилиб, кўчат қалин бўлиб қолди. Ўсимлик эркин ривожлана олмади. Бу йил барча майдонга уяларга аниқ уруғ ташлайдиган сеялка билан гектар ҳисобига 30 килограммдан қора чигит экилди.

Бу йил совхоз бўйича ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 120 минг, айрим бригадаларда эса 130—140 минг тупдан кўчат бор. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бу кўчатлар агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда, ўсимликнинг нормал ривожланиши мумкинлигини назарга олиб қолдирилган. Ҳар туп ғўза озуқадан, сувдан, ҳаводан, қуёш нуридан нормал баҳра олиши керак.

Ғўза қўшқатор қилиб ўстирилаётган пайкалларда ёғ қуйидаги тадбирларни амалга оширяпмиз: дастлаб ниҳоллар кўзга ташланиши биланоқ ҳар уяда қанчадан кўчат борлиги текширилди, ортиқчаси олиб ташланди. Тажриба қўшқатор қилиб чигит экилган майдонларда кўпи билан 150—160 минг туп кўчат сақлаб қолиш яхши натижа беришини кўрсатди. Сўнгра шуни ҳам унутмаслик керакки, қўш қатор ғўзалар эрта озиқлантирилиши керак. Ўғит 7-8 сантиметр чуқурликда икки томондан солинади. Бундай ғўзаларни ҳаддан ташқари ўстириб юбориш зиён: бўйи 80—85 сантиметрдан оширилмагани маъқул. Биз шу қоидага амал қилиб, 2 июлдан айрим пайкалларда чеканкани бошлаб юборганмиз. Ҳозир далаларимизда 16 та чеканка машинаси ишлаб турибди. Ғўзанинг бўйи эмас, ҳосили керак. Чеканка шароитни ҳисобга олган ҳолда маромида ўтказилса, ғўза кучини ҳосилга беради.

Қўшқатор қилиб чигит экилган пайкаллардаги ғўза қалин бўлганлиги сабабли тупроқдаги нам узоқроқ сақланади. Шунинг учун ҳам биз бундай пайкаллардаги ғўзани ортиқча суғормасликка ҳаракат қиляпмиз.

Айрим кишилар қўшқатор чигит экилган оралардаги ер культивация қилинмаганлиги учун ўт кўпайиб, қўл меҳнатига зўр келади дейдилар. Биз бундай бўлишига йўл қўймаяпмиз. Трактерга махсус мослама ўрнатилган. У қўшқатор оралардаги ерни ҳам юмшатиб, ўтни ўлдириб кетади.

Кўчат кўп бўлгач, шунга яраша озуқа ҳам керак. Биз қўшқатор қилиб ўстирилаётган ғўза пайкалларига одатдагидан 30 процент кўп ўғит соламиз.


Шунинг учун ҳам ғўзаларимиз яхши ривожланмоқда. Саидқул Расулов бошлиқ бригада аъзолари бу йил ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш, 30 гектарлик картадан эса 40 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлаганлар. Бундай бригадалар совхозимизда анчагина бор. Ҳозир қарийб 2 минг гектар майдондаги ғўзамиз серҳосил бўлиб ўсмоқда. Еримиз янги ўзлаштирилган ер бўлганлиги учун сийрак, бўйи паст ғўзаларимиз ҳам бор. Бундай карталарда қўшимча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу йилги шароитда сувдан тежаб фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Оқава сувларини зовурларга тушиб беҳуда кетмаслиги учун чоралар кўрилди. Ўтган йилги 4 та насос ўрнига бу йил 16 та насос ишламоқда. Биз ғўза парваришини давом эттириш билан бирга йиғим-теримга ҳам тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг 1977 йилги пахта ҳосилини териш ҳамда тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Биз бу қарор билан атрофдича танишиб чиқдик ва ана шу асосда ўзимизнинг йиғим-теримга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирларимизни белгилаб олдик. Совхозимиз бўйича 2 минг гектар ер машина теримига ажратилган. Ялпи ҳосилнинг 85 процентини механизмлар ёрдамида йиғиб оламиз. Бунинг учун 32 та пахта териш машинаси, 10 та кўсак терадиган, 15 та кўсак чувийдиган, 10 та тўкилган пахтани терадиган машина ва бошқа техника воситалари мавсумга шай қилиб қўйилмоқда.

Деҳқонларимиз юбилей йилида ҳамма соҳаларда катта муваффақиятларга эришиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. ҚАҲРАМОНОВ,
Бекобод районидаги «Ленинград» совхозининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.



ОҚҚЎРҒОН. Ҳамид Олимжон номли колхознинг пахтакорлари йиғим-терим мавсумига пухта ҳозирлик кўришяпти. Хўжаликнинг мавжуд 24 терим агрегати сифатли ремонтдан чиқарилди. Суратда: колхознинг бир группа механизаторлари терим агрегатларини кўздан кечирмоқдалар.

Ҳ. Аввалов фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ҲЎЛ МЕВА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — шу кунгача тайёрланган сабзавот, иккинчи устун — картошка, учинчи устун — ҳўл мева.

Оққўрғон	56,7	—	247,5
Қуйи Чирчиқ	55,3	—	51,2
Калинин	48,8	75,0	69,7
Тошкент	44,6	52,5	61,5
Янгийўл	43,6	8,5	82,7
Ўрта Чирчиқ	31,8	—	42,0
Оржоникидзе	31,3	73,6	48,1
Бўка	24,7	31,6	146,0
Бекобод	24,3	119,2	152,5
Юқори Чирчиқ	23,5	24,4	56,1
Бўстонлиқ	23,1	43,9	46,8
Чиноз	17,6	12,6	38,5
Оҳангарон	14,1	28,9	79,7
Пискент	14,0	—	98,0
Область бўйича:	34,9	50,9	65,8

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

УЛУҒ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига тобора авж олаётган социалистик мусобақада коллективимиз актив иштирок этмоқда. Биз июнь ойининг биринчи декадасидаёқ биринчи ярим йиллик планини бажарганимиз ҳақида рапорт бердик. Планга қўшимча равишда 90 минг дона ювинғич, 65 минг дона унитаз, 46 минг дона бачок ва бошқа хил керамика буюмлари ишлаб чиқарилди.

Бу улкан ютуққа социалистик мусобақа зарбдорлари катта ҳисса қўшдилар. Коллективимизда ўнлаб бундай илғорлар смена топшириқларини мунтазам бир ярим-икки баравардан бажаришмоқда. И. Юркнев, Н. Рибаков, С. Лихошерстова, Ф. Саъфиевалар шахсий беш йиллик топшириқларини уч ярим-тўрт йилда бажариш мажбуриятини олиб, меҳнат қилишмоқда.

Ўнинчи беш йиллик план топшириқларини шараф билан адо этиш учун барча резерв ва имкониятларни ишга соляпмиз. Жумладан, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор бериляпти. Бу йил «СМ—462» маркали автомат конвейер ишга туширилди. Натижада ювинғичлар тайёрлаш жараёни тезлашиши билан бирга маҳсулот сифати янада яхшиланди. Йил охиригача яна қатор янгиликларни жорий этиш режасини тўзганмиз.

В. ГЕРАСИМОВА,
Ангрендаги керамика комбинати сантехкерамика цехи бошлиғининг ўринбосари.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ИҚБОЛИМИЗ КЎЗГУСИ

(ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛАРИ СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИНИ МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР)

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати республикамиздаги кекса ва йирик саноат корхоналаридан бири. Комбинат тарихи шонли анъаналарга бой. Кўпминг кишилик коллектив айни кунларда СССР Конституциясн лойиҳасини активлик билан муҳокама қилмоқда.

Бугунги суҳбатда тўқимачиларнинг турли авлоди, турли касб эгалари ва турли миллат вакиллари иштирок этишмоқда: комбинат партия комитети секретарининг ўринбосари Эркин Ҳамидов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони йигирувчи Буолма Жўраева, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати тўқувчи Лидия Павловна Казанцева, опа-сингил тўқувчи Виноградовалар ҳамда ВЛКСМ мукофотларининг лауреати Дилбар Қулматова, кўп болали она, ип уловчи Қурмели Мамбетова, 2-йигирув фабрикаси бош механиги, рационализатор Абдухошим Шералиев, 2-тўқув фабрикаси мастер ёрдамчиси, тўқимачилар сулоласининг ўртанча вакили Анатолий Николаевич Лабзин ва комбинат касаба союз комитетининг раиси Оқилжон Зуфаров.

ЭНГ ХАЛҚЧИЛ ДЕМОКРАТИЯ

Мухбир: Эркин Тўлаганович, сиз нисбатан ёш бўлсангиз ҳам меҳнат стажингиз бўйича комбинат ветеранлари сафига яқинлашиб қолдингиз. Бунинг устига, орада чет элда ҳам ишлаб келгансиз. Демак, СССР Конституциясининг моҳияти ва афзалликлари тўғрисида нисбатан кенгроқ тасаввурга эгасиз. Қолаверса, комбинат маъмурияти номидан суҳбатни сиз бошлаб берсангиз.

Суҳбатни Эркин Ҳамидов бошлади.

— Советлар Иттифоқи Конституцияси дунёдаги энг демократик Конституция, — деди у. — Мен Москвадаги халқаро муносабатлар институтини тугатгач Ҳиндистонда тўрт йил ишлаб келдим. Шунингдек, бошқа бир нечта мамлакатларда ҳам бўлганман. Бизнинг мамлакатдаги демократияни бошқа ҳеч қаерда кўрганим йўқ. Мана, мисол учун якинда Меҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайлов натижаларини олиб кўринг — депутатликка сайланганларнинг ярмидан кўпи ишчилар ва деҳқонлар... Бу нарса СССР Конституциясининг 8-моддасида қонунлаштирилган: **«Социалистик демократияни янада авж олдириш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда меҳнаткашларни тобора кенгроқ қатнаштириш,... қилинаётган ишлардан халқни кенгроқ хабардор қилиб туриш, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олиб бориш совет жамияти сиёсий системасини ривожлантиришнинг асосий йўналишидир».**

Л. Казанцева: Ҳақ гап. Совет демократиясининг халқчиллигини менинг шахсий ҳаётимда ҳам кўриш мумкин. Оддий ишчиман, бироқ мен давлат миқёсидаги масалаларни ҳал қилишда республика Олий Советининг депутати сифатида партия ва ҳукумат арбоблари билан бирга қатнашаман. Ҳаммага маълумки, мен 1975 йилнинг ноябрида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневдан мактуб олдим. Ўртоқ Брежнев жаҳоншумул вазифаларни бажаришга сарфланадиган қимматли вақтидан бир бўлагини ажратганлиги партия билан халқ бирлигининг ёркин кўринишидир. Уша онлардаги менинг кувончимни сўз билан изҳор этиш қийин...

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Б. Жўраева: Жуда тўғри. Мен ҳам ўртоқ Брежневдан табрик телеграммаси олганимда бошим осмонга етган. Меҳнат қилган элда азиз. Бизда меҳнат қилган одам албатта унинг роҳатини кўради, эъзозланади. Ўтмишда болалар уйида тарбияланган, эсимни таниб комбинатга келган ва ўшандан буён халол меҳнат қилиб келаётган мен учун, юзлаб, минглаб менга ўхшаганлар учун бу тушунчанинг қадр-қиммати ниҳоятда баланддир.

Э. Ҳамидов: Партия ва ҳукуматимиз олиб бораётган ленинча доно сиёсат туфайли Ватанимиз гуллаб-яшнамоқда, халқнинг турмуш фаровонлиги кун сайин, ой сайин ортиб боряпти. Бизда миллий масала ҳеч қандай ихтилоф туғдирмайди, барча миллат ва элатлар ягона мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилиб, тинч-тотув, бахтиёр ҳаёт кечирмоқда.

Ҳозирги кунларда биргина бизнинг корхонада йигирмадан ортиқ миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишмоқда. Бу фақат Совет жамиятига хос фазилатдир.

ФАРОВОН ТУРМУШ НАШИДАСИ

О. Зуфаров: Мен Конституциянинг 44-моддасини эслатиб ўтмоқчиман. Унда шундай дейилган:

«СССР гражданлари уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгадирлар...» Бу биз учун, Совет жамияти аъзолари учун оддий, жўн гап. Чунки, ҳақиқатан ҳам ҳаммамизнинг уй-жойимиз бор. Лекин мазкур масалага кенгроқ, жаҳон миқёсида қаралса мана шу биргина жўн гапнинг замирида қанчалик буюк ҳақиқат, жуда катта ғамхўрлик яширинганини кўрамиз. Ер юзида минглаб ҳатто миллионлаб кишилар бошпанасиз ҳаёт кечирмоқда. Миллионлаб кишилар очликдан ёки мунтазам тўйиб овқат емасликдан ҳалок бўлаётган бир пайтда бизнинг уйга хос эмас, балки шаҳримиздаги, қолаверса мамлакатимиздаги саноқсиз кўп қаватли уйларга хос воқеа. Бундай тартибсизликларнинг аксарияти ҳеч қаерда ишламайдиган бекорчилар. Шунинг учун мен 44-моддани қуйидаги фикр билан тўлдиришни истардим: **«Узоқ муддат ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган шахсларнинг жамоат тартиб-жойларида истиқомат қилиши ман этилсин».**

А. Шералиев: Шунингдек, мен, **меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ичкиликбозликка қарши кураш тўғрисида ҳам қатъийроқ чора-тадбирлар қонуний равишда белгиланишини истардим.** Чунки, бу нарса ҳозиргача, айниқса кўпчилиги эркаклар ишлайдиган участкаларда шишмизга, давлат плани ва мажбуриятларининг муддатида бажарилишига ҳалақит беряпти. Ичкиликбозлик туфайли меҳнат интизоми бузилмоқда, прогул келиб чиқяпти.

О. Зуфаров: Комбинатимизда ишчилар ҳақида катта ғамхўрлик қилинмоқда. Узоқ йиллардан буён бувимнинг бир ҳикояси эсимга тушиб кетди. Инқилобдан олдин, бир ишлоқ аҳолисининг бошқа қишлоққа кўчиш зарурати туғилиб қолибди. Кўч-кўронни араваларга юклашибди, эркаклар араванинг олдида, паранжи епинган хотинлар орқада, ёш болалар эса аравалардаги юкларнинг устида йўлга чиқишибди. Кечқурун, арава дарёнинг кўпригидан ўтаётганда кўч устида ноқулай ўтирган бола мудраб дарёга ағанаб кетибди. Буни кўрган оназор бенихтиёр додлаб юборибди. Шунда эшакни етаклаб кетаётган эр «овозингни бегона эркаклар эшитди, нега додлайсан» дея хотинини дарёга улоқтириб юборган экан...

Бу балки афсонадир. Балки ҳақиқат-у, энди биз ёшларга афсонадек туюлар. Ҳар қалай, Октябрь инқилобидан олдинги ўзбек аёлининг ҳаёти шу каби аянчли бўлган. Мен шу аёлларнинг ҳозирги бахти кулган невара-эвараси сифатида эркаклар билан аёлга тенг ҳуқуқ берган СССР Конституциясидан миннатдорман!..

Суҳбатни Ҳ. ОЛИМЖОНОВ, ёзиб олди.



«КАСБИ БЎЙИЧА МОҲИР ИШЧИ» НОМИ УЧУН

Тошкент область ижроия комитетининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича бошқармаси, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети ва маданият ходимлари касаба союзи Тошкент область комитети Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига машинада ҳарф терувчилар, верстқачилар ва печатниклар орасида «Касби бўйича моҳир ишчи» номини олиш учун конкурсини эълон қилдилар.

Конкурснинг биринчи босқичи 15 июлдан 15 августгача давом этади. Иккинчи — сўнгги босқичи сентябрь ойида ўтказилади. Бунда биринчи босқичда ғолиб чиққанлар иштирок этишади. Ғолиблар область нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармаси, область комсомол комитети, маданият ходимлари касаба союзи область комитетининг пул мукофотлари, дипломлари ва Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланадилар.

Янгийўл пойафзал фабрикасида фақат Давлат сифат белгисига сазовор бўлган маҳсулот ишлаб чиқарадиган цех ташкил этилди. Суратда: шу цех ишчиси Нурне Асанова. Бу пешқадам ишчи кунлик топшириқларини мунтазам ошириб бажаряпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

МУСТАҲКАМЛАНГАН ҲУҚУҚЛАРИМИЗ

КОНСТИТУЦИЯ лойиҳасининг инсонпарварлик туйғулари билан йўғрилган мисраларини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Ўз тақдиримда унда мустаҳкамланган совет кишиси ҳуқуқ ва мажбуриятларининг кўпчилигидан фойдаланган эканман.

Улуғ Ватан уруши бошланган дастлабки кезлардаёқ гражданлик бурчим қўлимга қурол тутқазди. Унинг масъулияти билан она-Ватанимизни душмандан тозалаш ва босқинчиларни тор-мор этишда қатнашдим. Қатор жанговар орден ва медаллар билан мукофотландим, жонажон коммунистик партия сафига қабул қилиндим.

Ғалабадан сўнг партия йўлланмаси билан иттифоқимизнинг бирнеча шаҳарларида, жумладан Бухорода ички ишлар органларида хизмат қилдим. Кейин Тошкентга келиб тинч меҳнат шароитида жамоат осойишталигини сақлаш йўлида тер тўкдим.

«Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш давлатнинг энг муҳим функциясидир, бутун халқ ишидир» дейилган янги қонунимизнинг 31-моддасида. Бунинг магзини чақиб кўрган киши ҳар бир совет гражданининг эммасида алоҳида масъулият мамлакат тинчлигини сақлашдек муқаддас вазифа борлигини ҳис қилади.

Шаҳримиздаги ички ишлар органларида милиция майорига бўлган йўлни босиб ўтдим. Ҳозир Конституциямизда кўрсатилганидек ижтимоий ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз аниқ белгилаб қўйилган. Ана шу ҳуқуқ ва мажбуриятларимизнинг ҳаммаси ҳам ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Ана шу ҳуқуқ ва мажбуриятларимизнинг ҳаммаси ҳам ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Ана шу ҳуқуқ ва мажбуриятларимизнинг ҳаммаси ҳам ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

МЕЛИОРАТОРЛАРНИНГ ҚЎШАЛОҚ РЕКОРДИ

Н. ЛОБАЧ бригадаси бир кунда сал кам икки минг метр ёпиқ дренаж қувури ётқизди. Буни нормадан деярли тўрт баравар кўп деса бўлади. «Узновгородводстрой» трестига қарашли «1-Тошкент» ихтисослашган кўчма механизация колоннасининг раҳбарлари, дўстлар ва ўртоқлар мелиоратив бригада аъзоларини гулдасталар билан табриклашди. Бригаданинг кунлик меҳнат ғалабаси ёнига мавсум рекорди ҳам қўшилди. Бригада мавсум давомида 75 километр ёпиқ дренаж қувури ётқизиб берди. Бригада 25 километр узунликда зах қочириш тармоғини қурса, йиллик топшириқни бажарган бўлади.

— Тошкентни қайта тиклашда қатнашган белорус йигити Николай Лобач Шимск шаҳрига биринчилар қатори келди. Унинг кетидан хотини билан ўғли ҳам етиб келдилар. Командировка муддати аллақачон тугаб кетди. У бўлса бу ерда доимий ишлаб қолди. Новгород диёри унинг учун жонажон ўлкага айланди, чунки у бу ерларни обод қилишга ўзининг қалб қўрини қўшди, ўзини ноқаратупроқ ўлка қиёфасини ўзгартиришдан иборат умумхалқ ишининг қатнашчиси деб ҳис этди. 40 ҳунарнинг устаси бўлган Лобач бу ердаги Тошкент ва Наманган кўчаларида уйлар қурди, водопровод ўтказди, машина-механизмларни ремонт қилди ва созлади. Қувур ётқизувчилар бригадири қилиб тайинланган эса, у қисқа муддатда коллективни илғорлар қаторига чиқарди. Ижодий изланувчан, тиниб-тинчимас Николай Данилович қимматли ташаббус бошлади: трестда биринчи бўлиб йириклаштирилган хўжалик ҳисоби бригадасини тузди.

Юбилей йили ва ўнинчи беш йилликнинг қишлоқ ва мелиорация қурилиши программасини барвақт бажаришга аҳд қилган владимирлик ва рязанлик мелираторларнинг ташаббуси Николай Лобач ва унинг ўртоқларининг ишлари ҳамда режаларига ҳамоҳанг бўлиб тушди. Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача 210 километр дренаж қувури ётқизиш ва йил охиригача бир неча ўн минг сўмлик гидротехника иншоотлари қуришга бел боғлаганлар.

В. ЧЕРНЯЕВ,
Шимск,
Новгород области
ТАСС мухбири.

ОТА УСТОЗ, ЎҒИЛ ШОГИРД

Катта йўл ёқасига ўрнатилган тахтачага қуйидаги сўзлар ёзилган:

«Энгельс номли колхознинг бу бригадасига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам бошчилик қилади. Пахта майдони 210 гектар. Ҳар гектар майдондан 50 центнердан ҳосил олинади. Ўтган йили бу ерларда 24,5 центнердан ҳосил олинган эди».

Дарҳақиқат, ўтган хўжалик йилида бу бригада ҳосилдорлик бўйича колхозда энг паст кўрсаткичга эришганди. Ери ерига туташ қўшни бригадада эса пахта ҳосили энг юқори бўлди. Ҳар гектар майдондан 57,5 центнердан «оқ олтин» ҳирмони кўтарилди. Эришилган катта ютуқлар эвазига бригада бошлиғи Кан О Нам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Бир хил шароитда жойлашган икки бригадада ҳосилдорликнинг шунчалик фарқ қилиши Кан О Намни ҳам ажаблантирди, ҳам ташвишлантирди. Унинг фикрича қўшни бригадада ишчи кучи, техника, ўғит ва бошқа ресурслардан тўғри фойдаланилмаган. Юбилей йилида тажрибали пахтакор ҳақиқий қаҳрамонларга ҳос иш тутди. У колхознинг энг қолоқ бригадасига ўтиб ишлаш истагини билдирди. Бу ташаббус колхоз правлениеси, район партия комитети томонидан қўллаб-қувватланди.

Кан О Нам қолоқ бригадага ишга ўтгач ўғли Анатолийни унинг ўрнига тайинлашди.

— Энди ота-бола мусобақалашиб ишлайдиган бўлдик,— деди эрта баҳорда ота ўз ўғлига.

— Сиз билан мусобақалашиш осонмас... Бунинг устига мен биринчи йил мустақил иш юритяпман.

— Чўчима, ўғлим. Дадил бўлавер. Қанча ёрдам керак бўлса, аямаймиз. Ер бегона ўтдан ҳоли. Тупроқ унумдор, бақувват. Фақат сидқидилдан меҳнат қилиниса бўлгани...

Ўшанда ота ва ўғил ҳар гектар майдондан 50 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиб-териб олишга келишиб олдилар. Дала ишлари ҳам ана шу юксак мажбуриятга яраша ташкил этилди. Қаҳрамоннинг бу йилги иши анча оғир кўчди. Чунки ўтган йили бригада далаларини бегона ўт босиб кетган, уруғлари пишиб, далаларни қоплаган эди. Шу сабабдан пахта майдони суғорилган сари бегона ўт кўпайиб кетаверди. Колхозчиларнинг асосий кучи далаларни бегона ўтдан тозалашга қаратилди. Пахтакорлар асосий иш мезонини сифат деб белгиладилар. Агротехник тадбирларнинг барчаси ўз вақтида сифатли ўтказилди.

ЭЛЛИКЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

Мана энди пахтазорни кўрган кишининг кўзи қувонади. Бараваж ғўзалар бир текис саф тортиб, пайкалларни безаб турибди. Ҳар туп ғўзада 6—7 тадан бўлиқ кўсак, шунчадан гул ва шона бор. Кундан-кунга ниҳоллар ҳосил салмоғи ортиб боряпти.

— Пахтани шу ҳолга келтиргунча озмунча меҳнат сарфламадик, — дейди бригада механизатори Пардабек Пўлатов. — Ўтган йили бу ерларни ўт босиб, ғўзаси кўринмай қолган эди.

Сидқидилдан қилинган баракали меҳнат натижасини ғўзалар ривожи ҳам кўрсатиб турибди. Бригаданинг ҳамма майдонидаги ғўзалар сифат комиссияси томонидан аъло баҳоланди. Далаларга Сифат белгиси берилди.

Ҳозиргача пахта майдонлари олти марта сифатли культивациядан чиқарилди. 500 тонна маҳаллий ўғит шарбат суви қилиб берилди. Ғўза туплари яна 300 тонна органик ўғит билан шу усулда озиқлантирилади. Ниҳолларни серавж ривожлантириш мақсадида ҳар гектар майдонга 500 килограммдан селитра берилган бўлса, эндиликда ҳосилга ҳосил қўшиш учун ҳар гектарига 200 килограммдан аммофос солинади. Олди майдонлар механизмлар ёрдамида чеканка қилинмоқда.

Бу йил пахтакорлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири — қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш бўлди. Бригада аъзолари бу вазифани ҳам муваффақиятли ҳал қилишяпти. Пахта майдонлари икки марта самолёт ёрдамида, икки марта «ОВХ-14» агрегати ёрдамида дориланди. Энди-энди кўринаётган ўргимчаккана, трипс каби зараркунандалар бутунлай йўқотиб юборилди.

Бригадада меҳнат тўғри ташкил қилинганлиги катта ижобий самара бермоқда.

Биз тажрибали бригада бошлиғи Кан О Намни ўғли Анатолий Кан бошлиқ бригада далаларида учратдик. Отанинг ўз ўғли ишларидан мамнун эканлигини пайқаб олиш қийин эмасди. Анатолий Кан бошчилик қилаётган бригадада ҳам ғўза ривожи яхши. Ниҳоллар бир текис ҳосил олаяпти. Бўлиқ кўсаклар ғўза туплариии безаб турибди.

— Бироқ, нариги пайкалда онда-сонда бегона ўтлар кўзга ташланяпти, — дейди ота ўғлига, — тезроқ йўқотиш керак. Ҳозир ғўзаларнинг айни озиқланадиган пайти, Ғўза озуқасига бегона ўт шерик бўлмасин. Еки ишчи кучидан ёрдамлашиб юборайми?

— Раҳмат, отажон, — деди ўғли кулиб,— ўзимиз эплаймиз.

Анатолий ёш бўлишига қарамай отасининг ишончини оқлаб келаяпти. 135 гектар майдондаги ғўзанинг ривожи ўтган йилдагидан яхши. Далаларга меҳр қўйилса, ниҳоллар ўз вақтида парваришланса, белгиланган довонни эгаллаш ҳеч гап эмас. Буни Анатолий Кан яхши тушунади. Шунинг учун ҳам далаларга меҳр қўйди. Ғўза туплариии авайлаб парваришламоқда. Дарвоқе, мана шу пахта майдонларида қилинган ҳалол меҳнат отасини эъзозлади, унга шон-шуҳрат бахш этди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзолари юбилей йилида ҳосилдорликни 37 центнерга етказиш учун қизғин кураш олиб боришяпти. Юксак ҳирмонни бунёд этиш учун уюштирилган мусобақада Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам ва Анатолий Кан бошлиқ бригада мирзашкорлари пешқадамлик қилмоқдалар. Ҳар икки байроқдор бригада аъзолари ғўза парвариши суръатини кундан-кунга ошириб боришяпти. Улар 50 центнерлик маррани эгаллаб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олиш учун ғайрат-шижоат кўрсатяптилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.

Дунё овози
чет эл хабарлари

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ ИУЛЛАРИ

● ПРАГА. Ҳозир социалистик Чехословакия янги автомобиль йўлларининг зич тармоғи билан қопланмоқда. Прага билан мамлакатнинг бошқа энг муҳим индустриал ва маданий марказларини, шунингдек қўшни мамлакатларни янги, энг қулай маршрутлар билан туташтирувчи йўллар қурилмоқда.

Мамлакатнинг бош автомобиль магистрали — сал кам 350 километр узунликдаги Прага — Брно — Братислава йўли жадал қурилмоқда. 53 километр узунликдаги навбатдаги участкани қурувчилар фойдаланиш учун топширишди. Бу магистралдаги ҳамма ишлар шу беш йилликнинг охиригача тугалланади.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ИШ УСТИДА

● ХАВОЙ. Кўк қўйлакли кишилар корхона ва муассасалар ишини синчиклаб суриштирмоқдалар, хўжалик раҳбарлари билан бафуржа суҳбатлашмоқдалар. Улар механизаторларнинг ўзлари сайлаб қўйдиган халқ контроли комиссияларининг аъзоларидир.

Кейинги йилларда Вьетнамда давлат ва партия контроли органлари доимий мустаҳкамланиши билан бирга халқ контролини кучайтиришга катта эътибор берилмоқда. Халқ ўзининг мамлакат коллектив хўжайини бўлиш ҳуқуқини шу тарзда амалга оширмоқда. Республика шимолининг ўзида ҳозир халқ контролининг 7500 га яқин комиссияси ишлаб турибди, уларнинг составида 120 мингдан ортиқ киши бор.

САНОАТНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ЁРДАМИ

● БУХАРЕСТ. Руминия далаларида ўрим-йиғим ишларининг долзарб палласи бошланган. Шу кунларда мамлакатнинг машинасозлик заводлари тобора янгиянги қишлоқ хўжалиги машиналари ва асбоб-ускуналарини юборib турибди, бу машина ва асбоб-ускуналар деҳқонлар меҳнатини енгиллаштирмоқда.

Шу беш йилликда қишлоқ хўжалигини энг янги техника билан қуроллантириш белгиланган. Шу мақсадда машинасозлар беш йилликнинг дастлабки бир ярим йили мобайнида қишлоқ хўжалигига 20 мингта трактор ва бошқа машина-агрегатлар юборишди. Бу йил машинасозлик маҳсулотининг бир қанча янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Республика қишлоқ хўжалигини механизациялаш СССР ва бошқа социалистик давлатлар билан мустаҳкам ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Совет Иттифоқи билан Руминия ўртасида қишлоқ хўжалик машиналарини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилишнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган плани имзоланди.

(ТАСС, 20 июль).



ВЕНГРИЯ. Будапештдаги автоматика ва телемеханика воситалари заводи бу йил «Жигули» машиналари учун 400 мингга яқин мослама тайёрлаб беради. Суратда: корхонанинг йиғув цехида.

МТИ—ТАСС фотоси.

ЯНГИ КИШИНИ КАМОЛ ТОПИШИ КЕРАК

ЛУАНДА. 20 июль. (ТАСС). Биз капиталистик ва мустамлакачилик хурофотларидан халос бўлиб, иркчилик ва трайбализмга қарши шафқатсиз кураш олиб боришга қодир бўлган янги типдаги ўқитувчилар тайёрлашни истаймиз. Ангола Халқ Республикаси Маориф министрининг ўринбосари Артур Пестана Анголада бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлаш юзасидан очилаётган институтларнинг директорлари ҳузурида сўзлаган нутқида шу тўғрисида гапирди.

Бу институтлар бошланғич таълимнинг Ангола халқига мустамлакачиликдан мерос бўлиб қолган программа ва системаларини тубдан қайта қуришгагина эмас, педагог кадрларни тезроқ тайёрлашга ҳам ёрдам бериши керак. Ҳозирги вақтда мамлакатда 20 минг ўқитувчи етишмайди. Биз, — деди Пестана, бу ишда МПЛАнинг янги инсонни тарбиялашга қаратилган сиёсий йўлига қаттиқ амал қилишимиз лозим. Халқ Анголасининг бошланғич мактаби ёшларни коллективчилик, ватанга садоқат, меҳнатга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши керак. Ҳар бир ўқитувчи, деб уқтириб ўтди у, марксизм-ленинизм позицияларида қаттиқ туриши, ёш авлодни ғоявий тарбиялаш соҳасидаги кундалик ишларда марксизм-ленинизм қоидаларига амал қилиши керак.

ИСРОИЛ СЎЛ КУЧЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

РИМ, 20 июль. (ТАСС). Исроил Компартияси бошчилигидаги тинчлик ва ҳуқуқий тенглик учун курашувчи демократик фронт ва Шелли сўл партияси «Лихуд» ўнг блоки ҳукуматига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги масалани Исроил парламенти депутатлари муҳокамасига дарҳол тақдим этди. Молия министри Эрлих ҳукуматнинг инфляцияга қарши кураш программасини икки кун илгари эълон қилган эди. Шундан кейин бу талаб ўртага қўйилди.

Бу программа бир қанча энг зарур моллар ва кўрсатиладиган хизмат учун давлат томонидан бериладиган субсидияларни анча қисқартиришни кўзда тутганлиги хабар қилинган эди. Субсидияларни камайтиришнинг дастлабки натижалари шундан иборат бўлдики, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёнилғи нархи, шунингдек сув ва электр билан таъминлаш, шаҳар транспортида қатнаш ҳақи ўрта ҳисобда 25 процент ошди. Бу эса Исроил меҳнаткашларини қаттиқ ғазаблантирди.

Демократик фронт ишончсизлик билдириш тўғрисидаги баёнотида ҳукумат программасини ишчиларга ва халққа қарши қаратилган программа деб таърифлади ва ҳозирги министрлар кабинетининг ўзгартирилиши Исроил халқи ғоят кўпчилигининг манфаатларига ҳам шу регионда тинчлик ишига мос бўлиб тушади, деб таъкидлади. Демократик фронт Исроил умуммеҳнат федерацияси раҳбарлигининг мажлиси ҳам дарҳол чақирилсин деб талаб этди. Ҳукумат илгари берган ваъдаларига қарамай, тайёрланаётган тадбирлар тўғрисида бу федерация раҳбарлари билан маслаҳатлашиб ҳам кўрмади. Демократик фронт ишчи ва хизматчиларни ҳукумат программасига қарши норозилик билдириш учун 24 соатлик забастовка ўтказишга даъват этди.

ТИНЧЛИКСЕВАР ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ САДОСИ

БОНН. (ТАСС). Тинчлик, ҳамкорлик ва қуролсизланиш учун курашувчи Ғарбий Германия комитети мамлакат жамоатчилигига баёнот билан мурожаат қилди. Бу баёнотда қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун дарҳол амалий чоралар кўриш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилади.

АҚШ президенти Ж. Картернинг қуролли кучларни қанотли ракеталар билан таъминлаш ва нейтрон бомбалар ишлаб чиқариш ҳақидаги қарори, НАТОга аъзо бўлган бир қанча мамлакатларда, аввало ГФРда ҳарбий ҳаражатларнинг ортиб бораётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда ва қурол-яроғларнинг янги системаларидан воз кечишга эришиш мақсадида жаҳон жамоатчилигидан кўп куч-ғайрат сарфлаш талаб этилади, деб уқтириб ўтилади баёнотда. Сиёсий арбоблар, давлат ва жамоат арбобларидан, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун курашни ўз олдига вазифа қилиб қўяётган кучлардан жипслашиб, биргаликда ҳаракат қилишлари ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўра зарурдир.

Комитет ГФР ҳукуматини кескинликни юмшатилишини чуқурлаштиришга актив ёрдам бериш, шарқ билан ғарб ўртасида ҳамкорликни таъминлаш, Европа қитъасида тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб зўр ғайрат билан иш олиб боришга даъват этди.



Оққўрғон районидаги 46-автотобазада Анвар Алиев илғор шофёр сифатида танилган. У 20 йилдан буён машина бошқариб келмоқда. Шунча давр мобайнида бироната ҳам кўнгилсиз воқеа ёки йўл қўймаган моҳир ҳайдовчи ҳар йили 50 минг ўринга 65—70 минг километр масофа юради. Бу минглаб тонна халқ хўжалик юкларини манзилга етказиб бериш деган гап ир.

П. Эргашев фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

САҲИЙ «АМАКИЛАР» ВА «УЧАР» ҲАЙДОВЧИЛАР

Газетанинг 3 июнь сонида босилган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги якунларига бағишланган юқоридаги сарлавҳали мақолада айрим қонда бузар шоферлар танқид қилинган эди. Жумладан, «Узкоммунтеплозонторгремонт» ихтисослашган ремонт бошқармасига қарашли ЕРАЗ-762 маркали 03—28 ТНМ машинасининг шофёри А. Аҳмаджонов ишдан бўш вақтида машинадан қандай хоҳласа шундай фойдаланганлиги ҳам кўрсатиб ўтилган эди.

Бошқарма бошлиғи ўртоқ С. Козининг редакциямизга юборган хатида айтилишича мақола юзасидан текширириш ўтказилган. Текширишда мавжуд камчиликлар тасдиқланган. ЕРАЗ машинасининг шофери А. Аҳмаджонов бош механик В. Акимовнинг рухсатисиз машинани ишдан кейин уйида сақлаган. Худди ўзининг шахсий машинасидек хоҳлаган вақтида ундан фойдаланган. Натижада мақолада кўрсатилган камчиликларга йўл қўйган.

Бундай қўпингина ҳодисаларни қайтармаслик учун бошқармада конкрет тадбирлар белгиланган. Автомашиналар учун алоҳида жой ажратилиб шоферларни машиналарни уйларига олиб кетишлари таъқиқланган.

Газетадаги мақола ва белгиланган тадбирлар бошқармадаги барча шоферлар иштирокида муҳокама қилинган.

Йўл қўйган камчиликлари учун шофер А. Аҳмаджоновга қаттиқ виговор эълон қилинган ҳамда бир йил машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Шоферлар устидан назоратни бўшаштириб юборганликлари учун бош механик В. Акимов вазифасидан четлатилган. Таъминот бўлимининг бошлиғи А. Гавриленкога қаттиқ виговор берилган.

ВОҚЕЛИКНИНГ ЁРҚИН ТАСВИРИ

Қамчибек Кенжанинг яқиндагина босмадан чиққан биринчи қасрий тўпламми — «Яшил барг»га кирган ҳикояларни ўқир эканмиз, ундан кишига эстетик завқ берадиган талай гап топамиз ва муҳим масалаларга дуч келамиз. Бунинг сабаби Қамчибек ўзи қаламга олган мавзуни яхши билади ва уни ёрқин тасаввур этади. Унинг ҳикояларининг яна бир кишига маъқул томони—асарда кишига айтмоқчи бўлган гап «яланғоч» ҳолда берилмайди, балки воқеалар заминига сингдирилиб юборилади. Қамчибек ҳикояларида китобийлик йўқ, у воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, асарида ҳаракат қилаётган қаҳрамонларнинг юрагидаги дардни ҳис қилиб ёзади. Бу жиҳатдан унинг «Яшил барг» ҳикояси янада ибратли. Ҳикояда биринчидан, муҳим масала кўтарилган. Ҳақиқатан ҳам айрим колхоз ва совхозларда тут экишга эътибор бермай, танг аҳволда қолганда машиналарининг рулини шаҳарга буриб, одамлар ҳовлисига кўрк бериб турган тутларини кесиб кетишганлигини кўп кўрганмиз. Хўжаликда ҳар йили пилла килограммига килограмм қўшиладию, лекин тутзор гектарига гектар қўшилмайди. Натижада кишилар кўп изтироб чекади, яъни ҳикоядаги ҳолат юз беради. Ҳикояда драматизм кучли. У воқеадан-воқеага ўтган сари кучайиб боради. Жаббор аканинг хотинининг қистови билан барг қидириб кетиши, бир натижа чиқмаслигини қалбдан сезиб турса ҳам қандайдир илиниж билан пилла бригадири Раҳматжоннинг уйига бориши, унинг хотини совуқ қарши олиб, юзига эшикни тарс ёпишида ҳаётийлик ва чуқур инсоний психология тасвири бор. Бу одамлар аслида ҳаётда жуда диликаш, очиқ чеҳра, мулойим. Уларнинг терс, қўпол муомалада бўлишига вазият сабабчи. Ҳикояда бу ҳолатлар жуда ёрқин бўёқларда берилган. Бу ҳаётий тасвир асар таъсирчанлигини кучайтирган, ҳикояда кўтарилган масала заминида инсон тақдири ётишлигини таъкидлаган. Лекин Қамчибек қаҳрамонининг қандай одам эканлигини сўзда ҳам ифодалашга уринади. бу энди ортиқча. Масалан, Жаббор аканинг фарзандига меҳри жўшиб кетиш сабабини сўзда қуйидагича ифодалайди: «Жаббор ака жаҳли тез ва асабий одам, бироқ кўнгли ниҳоятда бўш, меҳри ҳам шу қадар кучли эди». Бу изоҳга ҳожат йўқ, чунки қаҳрамоннинг ҳолатидан, тутган ишидан унинг қанақа одамлиги аниқ бўлади. Қуруқ баёндан кўра, тасвирнинг ўзи унинг характерини ёрқинроқ очади.

ТАҚРИЗ

«Гаров» номли ҳикояда биз бугунги кун ёшларининг қиёфасини, маънавиятини ҳис қиламиз. Улар эллигинчи йиллардаги ўз тенгдошларидан ҳар жиҳатдан ўсиб кетган. Ҳикояда ҳаётнинг бутун гўзаллиги инсон билан эканлиги, инсонсиз ҳаёт ҳам, одамнинг ўзи ҳам жуда ғариб бўлиб қолиши, инсон доимо инсонга қараб интилиши, инсон кимсасиз чорасиз қолганда инсондан мадад кутиши сюжет заминида ёрқин бўёқларда тасвирланган. Лекин назаримизда ҳикоянга қўйилган ном унинг мазмунини торайтириб турибди.

«Илиниж» ҳикояси улуғ Ватан уруши, аниқроғи урушнинг инсонлар қалбида қолдирган тамғаси ҳақидадир. Ҳикоя ҳажман кичик. Лекин унда уруш даври, унинг одамлар қалбидаги жароҳати аниқ кўз олдимизга келади. Бунга сабаб, адиб кўп сўзлилиқдан ва баёнчиликдан қочган. Иккинчи хил қилиб айтсак воқеа баёнини сўзда эмас, тасвирда берган. Жангда ярадор бўлган Акрам ҳаётдан кўз юмар экан, ўз ўлими ҳақидаги хабарни ота-онасига етказишни Эргашдан илтимос қилади. Эргаш урушдан қайтгач, кўп нокиланишлардан сўнг Акрамнинг уйига боради. Лекин унинг ота-онасини кўргач, бу даҳшатли хабарни айтса, улар бунга дош беролмаслигини сезиб, айтмайди. Иккинчи марта борганда ҳам отанинг кўзларидан «фақат тирик де, келади де» деган илтижони уқиб, гапиролмайди. Учинчи марта чолнинг ўзи сўроқлатади, чунки камгап бетоб эди. Эргаш кампирни ҳаётда ушлаб турган нарса ўғлига бўлган илиниж эканини ҳис қилгач, «сўнгги томирни ҳам қирқиб» қўйишидан қўрқиб ҳақиқатни яширади. Бироқ бу «гуноҳ» замирида фашизмга нафрат ҳисси ётади. Адиб кўзлаган мақсад ҳам шу.

Умуман олганда, Қамчибек Кенжанинг воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамон ҳаракатларини унинг атрофидаги предметларни аниқ тасвирда бериши яхши. Бу асарга ҳаётийлик бағишлайди. Албатта, меъёрда бўлса. Лекин Қамчибекда бу ҳол айрим ҳикояларида сал меъёридан ошиб кетган, оқибатда натурализм руҳи сезилиб қолган, адиб айтмоқчи бўлган гапга, фикрга «соя» ташлаган. Бу нарса «Соҳилда» ва «Аёл» ҳикояларида кўзга ташланади. Бироқ жузъий камчиликлардан қатъий назар мазкур тўплам Қамчибекнинг фақат назмда эмас, балки насрда ҳам истеъдоди борлигидан далолат беради.

Ҳакимжон КАРИМОВ.
Филология фанлари кандидати.



Совет техникаси болгар деҳқонларига ўрим-йиғим ишларини барвақт тугаллашда катта ёрдам бермоқда. Суратда: «Нива» комбайнлари Асеноград яқинидаги Димитр Благоев номидаги аграр-саноат комплексида.

БТА—ТАСС фотоси.



ЯНТОҚВОЙ

ҚИЗИЛҚУМГА қилган сафарларимнинг биридан ажойиб ўлжа билан қайтдим. Саҳронинг жим-жит тунида танишим чўпон Сориқул Хидиров ўтовида суҳбатлашиб ўтириб, Мурка лақабли мушукнинг асабий миёвлашини эшитиб қолдик. Ойдин кечада ўтовга типратикон кириб қолибди. У ҳеч нарсага парво қилмай, мушукнинг идишидаги сутни паққос туширарди. Бундан ғазабланган мушук асабий миёвлар, лекин ҳеч нарса қилолмасди.

Ўринмдан турдим-да, типратиконни қўлимга олдим. У ҳеч қандай қаршилик кўрсатмай фақат ғужанак бўлиб олди, холос. Тошкентга қайтганимдан сўнг унга Янтоқ деб исм қўйдик.

Янтоқвойни кичкинтой дўстларим жуда севишар, бирга сайр қилишарди. Типратикон ҳам лақабини атаб чақиришганида дарров югургилаб келар, болаларнинг қўлидан ҳеч нарсани овқатланарди. Янтоқвой сичқонларга ҳам роса қирон келтирди. У баъзида равонга чиқиб, ўзича сайр қилар, қўнғизларни тутиб еди. Тонгга яқин эса уйга кириб, диванга чиқиб пинакка кетарди.

Куз келиб дарахт барглари тўкила бошлаши билан Янтоқвой ўзига жой излай бошлади. У қулайроқ ерни топгач, ул ясади-да ҳазон, гул баргларини олиб келиб тўшади. Кейин эса қиш уйқусига кетди.

Мартнинг охирлари, апрелнинг бошларида типратикон қишки уйқудан уйғонди ва яна ўзининг эски қадрдон дўстлари — болалар билан ўйнай бошлади. У яна хоналар бўйлаб югургилар, сичқон, қўнғизларга тинчлик бермас, чарчаганда эса диванинг бир чеккасида мудраб дам оларди. Шундай қилиб Янтоқвой узоқ пайтларгача бизнинг оиламизда қолиб кетди.

В. УРИЦКИЙ.

СУТ ЗАВОДИНИНГ ЯХШИ ИШИ

БЎСТОНЛИҚ сут заводи ўпка касаллари даволанадиган санаторийларга қимиз олиб келишни ташкил этди. Шу районда жойлашган «Чорвоқ» совхози ва Фрунзе номли колхоз корхонага, шифобахш қимматли ичимликни етказиб беради. Қимиз бу ерда тозаланиб шифохоналарга идишларда жўнатилади. Санаторийларга курорт мавсуми тугагунга қадар қарийб 11 минг литр қимиз етказиб бериш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

ИЖОДИЙ КЎРИК

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Ёз ойларида республикамиз пойтахтида область театрларининг гастроллари бошланади. Бу ажойиб анъана бир неча йиллардан буён давом этиб келаяпти. Пойтахт томошабинлари областларимиздан келган истеъдодли санъаткорларнинг ижодий ютуқлари билан танишишга муяссар бўлмоқдалар. Бундан бир неча кун аввал Тошкент томошабинлари Максим Горький номидаги Фарғона область мусиқали драма ва комедия театри ижодий коллективининг гастроль спектакллари билан танишдилар.

Мана бугун Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг ижодий коллективи пойтахт томошабинларига ижодий ҳисоб беришга келган. Самарқанд давлат опера ва балет театри Тошкентда ўтказадиган ўз гастролларига пухта тайёргарлик билан келди. Пойтахтнинг талабчан, юксак дидли томошабинларига ўз репертуарларидаги энг яхши спектакларни намойиш қиладилар. Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик катта опера ва балет театри саҳнасида самарқандлик санъаткорлар 20—30 июль кунларида П. И. Чайковскийнинг «Уйқудаги гўзал», Мухтор Ашрафийнинг «Рустам қиссаси», Г. Мушелнинг «Самарқанд афсонаси» балетларини, Ж. Вердининг «Аида», М. Ашрафийнинг «Дилором» ва С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операларини намойиш этади.

Самарқанд Давлат опера ва балет театри гастролга ўзининг ўн учинчи мавсумини бошлаш билан келди. Бу театр мамлакатимиздаги энг ёш ижодий коллективлардандир. Унинг биринчи спектакли бундан ўн уч йил муқаддам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 40 йиллиги тантанали нишонланган кунларида томошабинларга кўрсатилган эди. Театрнинг биринчи директори, бадиий раҳбари ва бош режиссери СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати машҳур композитор, профессор Мухтор Ашрафий бу ёш театрнинг ижодий коллективига раҳбарлик қилди ва ажойиб ёш талантларни театрга жалб этди. Театрнинг ташкил этилиши республикамизнинг маданий ҳаётида катта воқеа эди. Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд меҳнаткашлари ўз театрлари саҳнасида машҳур опера ва балет асарларини кўришга муяссар бўлдилар.

Театр коллективи классик ва ҳозирги замон композиторларининг опера ва балет асарларини томошабинларга намойиш қилиш билан туҳфа тайёрлайди.

Театр колективи орасида ўзи ташкил бўлган кундан буён бир қанча талантли саҳна усталари етишиб чиқди. Ҳозир театрда бош режиссер бўлиб ишлаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Л. Г. Мейсель, режиссер Ўзбекистон ССР халқ артисти А. Жўраев, театр солистқаси, Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Мавлонова, рассом Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби О. Самуваффақиятли кўрсатиб келмоқдалар. Ўн уч йил мобайнида театр 50 дан ортиқ опера ва балет спектакларини саҳналаштирди. Театр репертуаридан ўзбек композиторлари билан бир қаторда Ғарбий Европа, рус классик ва совет композиторларининг асарлари ўрин олган. Ижодий коллектив томошабинларга П. И. Чайковскийнинг «Шелқунчик», «Уйқудаги гўзал», «Оққўш кўли» балетларини, Ж. Бизенинг «Кармен», Ж. Вердининг «Аида», С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши», М. Ашрафийнинг «Шоир қалби», З. Шаҳидийнинг «Комде ва Мудан», С. Бобоевнинг «Ерилтош» каби операларини намойиш қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейига театр коллективи А. Козловскийнинг «Тановар» балетини ва Ф. Амировнинг «Севиль» операсини фоев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — бош балетмейстер С. Бурҳонов, солистлардан А. Эргашев, М. Эрматовлар шулар жумласидандир. Театрда ёш санъаткорлар ҳам опера ва балет спектакларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Д. Юсупова, Г. Скрипниченко, А. Каримов, М. Новикова, Н. Зрянова, С. Биков, С. Бигабилов, Р. Шоймардоновалар ёш солист ва раққосалардан бўлиб, ўзларига топширилган партияларни анча муваффақиятли бажариб келмоқдалар.


Тошкент томошабинларига кўрсатиладиган опера ва балет спектакллари театр коллективи учун катта синов бўлади. Томошабинлар бу спектакларни кўрар эканлар, театр коллективининг ижодий ютуқлари ҳақида ўз мулоҳазаларини, истакларини изҳор этадилар. Театр коллективи гастроль кунларида пойтахт санъаткорлари, театршунослари, санъат ишқибозлари билан учрашадилар. Ижодий мусоҳабалар бошланади. Бу учрашувларда гастроль кунларида кўрсатилган спектакллар тўғрисида давраларда суҳбатлар уюштирилади, фойдали ижодий маслаҳатлар бўлади.


Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

МОСКВА НОМЛИ КАНАЛ 40 ЁШДА

40 ЙИЛ муқаддам мамлакатимиз пойтахтини улуғ рус дарёси Волга билан боғловчи Москва номли канал очилган эди. 128 километрли сув йўли мисли кўрилмаган қисқа муддатда — 4 йилу 8 ойда бунёд этилган эди. Бу мураккаб гидротехника комплекси 240 та сунъий сув иншоотига эгадир. Каналнинг ишга туширилиши билан пойтахтнинг сув-хўжалик проблемаси тўла ҳал қилинди. Москваликлар ичимлик сув билан тўла таъминланадиган бўлдилар. Бундан ташқари канал Москвани сув йўли орқали мамлакатнинг энг муҳим иқтисодий районлари билан боғлаш имконини берди. Суратларда: чапда каналнинг 6-шлюзи, ўнгда шимолий дарё вокзали.

В. Егеров ва А. Стужин фотолари.
ТАСС фотохроникаси.





ИККИ КАРРА ИККИ—БЕШ?

Ўн бир ёшли инглиз ўқувчисининг «икки карра икки неча?» деган саволга «беш» деб жавоб бериши ўқитувчиларни сира ҳам ҳайратлантирмай қўйган. Лондондаги ўрта мактабларнинг ярмидан ортиғи текширилганда ўн бир ёшли болаларнинг кўпчилиги оддий арифметика ҳисоб-китобларини билмасликлари маълум бўлди. Ким айбдор деб сўрарсиз? Маъмурий органлар шундай деб тасдиқлашади: бунга педагогика таълими системаси айбдордир.

Бунинг устига Англияда ҳозирда ўқитувчи бўлиб ишлашни истаганлар жуда кам. Негаки, уларнинг маоши унча катта эмас. Бунинг устига ҳар қандай пайтда ишсиз қолиш ҳам жуда осон. «Биз гоҳо ўқитувчиларнинг ўзлари икки карра икки неча бўлишини айтиб беришларига шубҳаланамиз», — деб ҳазиллашишади лондонликлар. Бу ярим ҳазилнинг тагида маълум маъно бор.

(ТАСС).

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
86-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—78 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТАЛЛ БЎЙИЧА ТОКАРЬ. Ўқиш муддати — 1—2 йил (14—15 ёшлилар);
ФРЕЗЕРЧИЛАР. Ўқиш муддати — 1 йил (15 ва ундан катта ёшдагилар);
ҚОЛИПЧИ. Ўқиш муддати — 1 йил (17 ва ундан катта ёшдагилар), қолипчиларга стипендия ҳам берилади;
ДИПЛОМЛИ ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати—2 йил (16 ярим ва ундан катта ёшдагилар);
МЕХАНИКА ИНҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ. Ўқиш муддати — 1—2 йил (14 ярим ва ундан катта ёшдагилар);
СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ. Ўқиш муддати — 2 йил (14 ярим ва ундан катта ёшдагилар);
САНОАТ УСКУНАЛАРИНИ ТУЗАТИШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ. Ўқиш муддати — 2 йил (14 ярим ва ундан катта ёшдагилар);
ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати—1 йил (17 ярим ва ундан катта ёшдагилар);
ЭЛЕКТР НУҚРИКЛИ КРАН МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати — 1 йил (17 ярим ва ундан катта ёшдагилар). Электр нўқрикли кран машинистларига стипендия ҳам берилади.
БИЛИМ ЮРТИГА — 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар. Зарур бўлганларга ётоқхонадан жой берилади.
Ўқувчилар ишчи-ёшлар мактабида ўрта маълумот олишлари мумкин.
ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.
Билим юртида бўш вақтларда шуғулланиш учун 8 та тўгарак ва II спорт секцияси ишлаб турибди. Жумладан, эстрада, духовой ва миллий ансамбль мавжуд. Каникул даврида дам олиш учун Чимён районида лагерь бор.
Билим юртини тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун имтиёзлардан фойдаланадилар.
ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
Кирувчилар ариза билан бирга қуйидагиларни қўшиб топширишлари лозим: таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, характеристика, 3х4 см. ҳажмда 6 дона фотосурат.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри-52, Содиков кўчаси, 15-уй (4, 5-троллейбуслар, 21, 73-автобусларнинг «Экскаватор заводи» бекати).

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» бирлашмаси базасидаги
95-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—78 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: металл бўйича токарь, механика-йиғув ишлари слесари, слесарь-асбобсоз, фрезерчи, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарь, электр пайвандчи.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 14—24 ЁШЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—2 ЙИЛ.
Ўқувчилар кунига уч маҳал овқат, кийим-бош ва махсус кийим билан таъминланадилар.
Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.
Билим юртидаги ўқиш муддати доимий меҳнат стажига киради.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА 39-КЕЧКИ ИШЧИ ЁШЛАР МАКТАБИ МАВЖУД.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), метрика ёки паспорт; 6 дона фотосурат (3х4 см.), автобиография, мактабдан характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев райони, ГСП, Тюльпановский проезд, 92-уй (1, 4, 17, 41, 69, 71, 24-автобусларнинг «Статуправление» бекати). Телефон: 66-85-85.

ИСТЕЪДОД

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Санъат шайдоси Шариф Жонайдаров 1960 йили Ҳамза номли музика билим юртини тугатгач, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Восток» клубига ишга келди. Икки-уч ойгача рубобчилар тўгарагини бошқарди.

— Устозлар берган билимни амалда қўллаш керак,— дерди ўзига-ўзи Шариф,— ансамбль тузсакчи...

1961 йилда ансамбль ташкил қилиниб, унга «Парвоз» деб ном берилди. Дастлабки репетицияларданоқ маълум бўлдики, коллективда уюшқоқлик ҳам, дўстлик ҳам, ҳамкорлик ҳам айни вақтда рақсга, қўшиққа, қуйга, садоқат ҳам бор экан. Бир сўз билан айтганда «аҳил оила» ташкил қилинди. Дастлабки машаққатлар ортда қолди. Олдинда эса янгиси, ҳаяжонлиси — ансамблнинг биринчи чиқиши турар эди.

— Ишқилиб ўзимизникиларнинг олдида қизариб қолмайлик-да,— дерди Шариф ўзига.

Концертдан сўнг барча парда орқасига тўпланишди. Гулдурос ва давомли қарсаклар қулоқни қоматга келтиради...

Бир-икки ҳафта ўтгач, яна концерт. Шундай қилиб парвозчиларнинг ўзларига бўлган ишончлари тобора мустаҳкамланиб бораверди. Инсон аввало ўзига ишонса, атрофдагиларнинг ишончини қозониши қийин эмас. Машғулотлар ҳар ҳафтада уч маротаба ўтказиладиган бўлди.

Шариф Жонайдаров ансамблнинг музика раҳбари. Ансамблда энди дутор, доира, қашқар ва афғон рубоблари, чанг, най, қўшнай, ғижжак, сурнай, карнай ва ноғора бор.

Мана, залда янги рақснинг репетицияси бўлаяпти. Қайта-қайта такрорланадиган енгил ҳаракатлар, раго-ранг либослар, дилбар қизлар кўзни қамаштиради.

— Қани қизлар,— табассум билан, жуда яхши,— такрорлайди балетмейстер М. Ҳамдамов,— энди бироз дам оламиз.

Бир дақиқа ҳордиқ, ҳазил-ҳузул ва яна балетмейстернинг овози янграйди.

— Қани, қизлар яна қайтарамиз...

«Парвоз»нинг маҳорати ошиб борди. Корхоналарда, мактабларда, истироҳат боғлари ва маданият саройларидаги ҳар бир муваффақиятли концерт парвозчилар нафасини санъат шайдоларининг қалбига олиб кирди.

Телевизор экрани ва радио орқали миллионлаб кишилар «Парвоз»нинг концертларидан баҳраманд бўлдилар ва олқишладилар.

Район, шаҳар, республика кўрик-конкурсларидаги муваффақиятлари эвазига «Парвоз» биринчи Бутуниттифоқ меҳнаткашлар бадиий коллективларининг фестивалининг иккинчи турида қатнашиш шарафига муяссар бўлди. 1974 йили эса ўзбек миллий санъатини ривожлантиргани ва кенг пропаганда қилгани учун «Парвоз» — ХАЛҚ ансамбли деган фахрли номга сазовор бўлди.

Болгарияда бўлиб ўтган халқ санъаткорларининг VII фестивалида ҳам «Парвоз» ансамбли Совет Иттифоқи делегацияси составида эди. Яна дўстона учрашувлар давом этди. Хасково округининг Изворово қишлоғидаги учрашувлар ёш санъаткорларнинг ҳали-ҳали ёдидан чиқмайди.

Ҳар йили пахта йиғим-терими мавсумида областимиз пахтакорлари «Парвоз» ансамблининг концертларидан баҳраманд бўладилар.

— Областимизнинг барча районларида бўлганмиз,— дейди Шариф Жонайдаров,— пахтакорлар машаққатли меҳнатларидан сўнг қўшиқ ва рақсларимизни тинглаб ҳордиқ чиқарсалар, биз улкан хирмонга ўз ҳиссамизни қўшгандек севинамиз.

Ҳа, парвозчиларда истак бор, орзу бор, санъатга иштиёқ, садоқат бор. Биз уларга маҳорат чўққиси сари парвоз этаверинглар, деймиз.

Адолат КЕЛДИЕВА.

Спорт

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Шу йилнинг 28 июль куни СССР терма командаси Лейпциг шаҳрида Германия Демократик Республикаси футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказадилар. Бундан ташқари терма командамиз яна иккита ўртоқлик учрашуви ўтказади. 7-сентябрда Волгоград шаҳрида Польша футболчилари билан, 5-октябрда эса Голландия терма командаси билан рақиб майдонида матч ўтказилади.

Германия Демократик Республикасига йўл олаётган команда составида асосан ўзгаришлар бўлмади. Фақат 5 янги ўйинчи терма команда составига қабул қилинди. Шунингдек, пахтакорчи В. Федоров ҳам яна мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

ЁШЛАР МУСОБАҚАЛАРИДА

Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари давом этмоқда. Минск шаҳрида ёш чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун «жанг» қилмоқдалар.

Минск автомобиль заводининг маданият саройида бўлаётган мусобақалар стартига ҳаммаси бўлиб 183 боксчи чиққан эди. Лекин турнирнинг олтинчи кунига келиб улардан фақат 46 кишигина қолди.

Республикамиз вакиллари саралаш «жанг»ларида анча дуруст қатнашдилар. Жумладан, ярим финалга чиққан боксчилар орасида ўзбекистонлик тўрт йигит бор. Булар И. Сейдаметов, Ш. Князхонов, Э. Илёсов, А. Шевцовларлардир.

Кеча боксчилар ўртасида финал учрашувлари бўлиб, ғолиблар аниқланди. Минск армия спорт клубининг енгил атлетика саройида эса дзю-дочилар мусобақалари якунланди. Бу турнирда фақат бир вакилимиз совриили ўринни эгаллади. Х. Даминов 78 килограммгача бўлган вазн категориясида грузиялик Ш. Хабарели билан биргаликда учинчи ўринни ўзаро бўлашиб олди.

Украина пойтахтининг марказий стадионида енгил атлетикачилар баҳслашишмоқда. Бунда ҳам ўзбекистонликлар бир мунча муваффақиятсиз қатнашдилар. Фақат Н. Мокулкинагина 400 метрга ғовлар оша югуришда учинчи ўринни олди. 4х100 метрли эстафетада эса аёлларимиз командаси саккизинчи ўринни эгаллади. Шу турда эркаклар командаси 11-ўринда қолди.

Бугун футболчилар турнири ҳам якунланади. Ўзбекистон терма командаси футболчилари навбатдаги учрашувни белоруссиялик тенгдошлари билан ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Ўз группаларида иккинчи ўринни олган республикамиз футболчилари бронза медали учун Қирғизистон терма командаси билан куч синашадилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение ва кино

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Болалар учун эртак. 11.00 — Ўт билан синаш (бадиий фильм). 12.15 —Ҳужжатли фильм. 16.10 — Қишлоқ ишлар ва муаммолар. 16.40 — Чўпон Янка (бадиий фильм, 2-серия). 17.45 — Москва ва москваликлар. 18.15 — «Орленок». 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Инсон ва қонун. 19.40 — Концерт. 20.45— СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.00— Визнинг биография — 1957 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30— Ҳужжатли фильм. 22.55 — Концерт. 00.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳаво ранг пиёла (бадиий фильм). 12.30 — Фильм-концерт. 13.05 — «Искорка». 18.30 — «Ёшлик». 19.00 —Бугун Польша қайта ташкил топган кун. 19.15 — СССР Конституцияси лойиҳаси сатрларида. 19.45 — Ахборот. 20.00 —Катталар учун мультфильм. 20.20 — Лирик концерт. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган қардош республикалар телевизион фестивали. Қирғизистон телевидениесининг программаси. 22.00 — «Вақт». (Москва). 22.30 — Қирғизистон телевидениесининг программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Уларни фақат афтидан таништирди (бадиий фильм). 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Фан ва ишлаб чиқаришга. 21.30 — Химия.

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Она** (катта ва кичик зал, кундуз ва кечқурун).
Атиги бир тун — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 14, 18, 19), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (11, 13, 15, 17, 18.30, 20, 21.00).
Сўнган гулханлар тафти — «ЎЗБЕКИСТОН» (куфт соатларда).
«Йўлбарслар» тунда пайдо бўлади — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).
Муҳаббат ёзи — «ҚОЗОҒИСТОН» (15, 16, 20.00).
Хаани — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).
Денгиз иблислари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Кўзғу — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).
Мсъё Папа — «МОСКВА» (кундузи).

ЁЗГИ БИНОДА

Мсъё Папа — «ФЕСТИВАЛЬ» (21, 22.40).

«ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ИШЛАР БОШҚАРМАСИГА

экскаватор, бульдозер машинистлари; электр-газ пайвандчилар, қурилиш механизмлар ремонти бўйича слесарлар, прораблар ва мастерлар КЕРАК

Елғизлар ётоқхона билан таъминланади, оилаликларга бир йил мобайнида квартира берилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — ишга жойлаштириш бўйича марказий ва район пунктлари.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся
БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р. 02467. Ҳзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1668.